# SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ S/2 (3) - 2023

ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL

SCIENCE PROBLEMS.UZ

**ISSN:** 2181-1342 (Online)

**Сайт:** https://scienceproblems.uz

**DOI:** 10.47390/B1342V3SI2Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

## *№ S/2 (3)-2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

Специальный выпуск

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Special Issue

**ТОШКЕНТ-2023**

**БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

*07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

*08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

*09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

*10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич –филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

*12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа октори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

*13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

*19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

*22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

*23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

**ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

**Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

**Таҳририят манзили:**
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

## МУНДАРИЖА

## 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

**Рахманова Мавлуда Эркин қизи**
СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССРГА ХАЛҚЛАРНИ МАЖБУРИЙ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ ТАРИХШУНОСЛИГИ ........ 9-16

**Икромжонов Акмалжон Махмуджонович**
ФАХРУДДИН ЎЗЖАНДИЙ ЯШАГАН ДАВРДА МОВАРОУННАҲР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ВА ИЛМ ФАН РИВОЖИ ........ 17-25

**Холдоров Зоҳиджон Валижон ўғли**
ТУРКИСТОН ЛЕГИОНИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ТАРИХИДАН ........ 26-34

**Хамидова Дилфуза Улуғбек қизи**
НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ИЖОДКОРЛАР НИГОҲИДА ........ 34-41

**Nagʻashboyev Qazbek Bozorboy uli**
SULTON RAXMONOV – SAYYORANING ENG KUCHLI ODAMI ........ 42-49

**Махмудов Махмуд Авазович**
ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ШАРОИТИДА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ТАБАҚАЛАШУВИ ........ 50-58

**Mamatov Bektosh Tolibjon o`gʻli**
YALANGTO`SH BAHODIR VA ASHTARXONIY HUKMDORLAR ........ 59-66

## 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

**Muminova Elnoraxon Abdukarimovna**
“YASHIL” IQTISODIYOTGA OʻTISHNING XORIJIY TAJRIBALARI ........ 66-75

**Файзуллоев Мирсаид Шухратович**
СОЛИҚ НАЗОРАТИ ТИЗИМИДА КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ ........ 76-85

**Кахарова Нилуфар Эркинжоновна**
OKR МЕТОДОЛОГИЯСИ ХАҚИДА ТУШУНЧА, МАҚСАДИ, АФЗАЛЛИГИ, ЖАРАЁНДАН КУТИЛАДИГАН НАТИЖАЛАР ........ 86-91

**Насруллоев Ҳаётжон Хабибуллоевич**
СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ СОЛИҚ БАЗАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ ........ 92-99

**Raxmonov Mirvoxid Rajabovich**
HUDUDNING INVESTISION JOZIBADORLIGI OMILLARINI EKONOMETRIK MODELLASHTIRISH ........ 100-107

**Насруллоев Ҳикматулло Хабибуллоевич**
ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ УЧУН ЗАМОНАВИЙ РАҚАМЛИ ЕЧИМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ........ 108-115

**Тоштемиров Шоҳруҳ Тошпўлатович**
ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ КАПИТАЛ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ ........ 116-120

**Насимов Равшанжон Азимович**
МАМЛАКАТИМИЗДА СОЛИҚ ЮКИНИНГ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ........121-130

**Nabieva Nilufar Muratovna**
MARKETING AUDIT AND ITS IMPACT ON IMPROVING THE COMPETITIVENESS OF THE COMPANY........131-139

**Отамуродов Нуриддин Нажмиддинович**
КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ COVID-19 ИНҚИРОЗ ДАВРИДА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИ ........140-148

**Hoshimov Jahongir Ravshanbek oʻgʻli**
TOʻGʻRIDAN – TOʻGʻRI XORIJIY INVESTITISIYALARNI JALB QILISHDA MAMLAKAT XATARLARINI KAMAYTIRISH........149-155

**Yusupov Farruxbek Farxodovich**
OʻZBEKISTON RESPUBLIKASIDA SOLIQ MA'MURCHILIGIDA SOLIQ TOʻLOVCHILARGA XIZMAT KOʻRSATISHNI TAKOMILLASHTIRISH YOʻLLARI........156-162

**Kunduzova Kumrixon Ibragimovna**
KICHIK BIZNES KORXONALARIDA MOLIYAVIY REJALASHTIRISH VA BYUDJETLASHTIRISHNING XUSUSIYATLARI........163-172

**Зиёдинова Нилуфар Зариф қизи**
ИНВЕСТИЦИОН ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИНГ ЎРНИ ........173-179

**Насимджанов Юнусжон Зохидович**
МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДЛАРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ЕР СОЛИҒИ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ........180-187

## 09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

**Ҳакимов Акмалжон Мирзағаниевич**
ЦИВИЛИЗАЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ГНОСЕОЛОГИК МОҲИЯТИ ........188-192

**Холмирзаев Нодиржон Низомжонович**
УРБАНИЗАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ........193-198

**Boboqulov Abror Abdugʻani oʻgʻli**
"OPEN ARTIFICIAL INTELLIGENCE GPT" TIL MODELINING FALSAFIY TAHLILI ........199-204

**Ялгашев Бунёд Махмудович**
САМАРҚАНД ВОҲАСИ ЭТНИК ГУРУҲЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА УЛАРНИГ ЯШАШ ТАРЗИ ........205-213

**Safarov Maqsudali**
ABU BAKR AR-ROZIYNING "TIBBI RUHONIY" (RUH TIBBIYOTI) ASARIDA GʻAZABNI VA INSONNING OʻZ KAMCHILLIKLARINI BARTARAF QILISH HAQIDA MULOHAZALAR ........214-219

**Сохибова Лола Жонибоевна**
ШАХС МАДАНИЙ САВИЯСИ – МАДАНИЙ РИВОЖЛАНГАНЛИК ИФОДАСИ ........220-224

**Адашова Махсума Махмудбоевна**
ИМОМ АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ ВА МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ – ДУНЁ ОЛИМЛАРИ НИГОҲИДА ........ 225-231

**Mukhammediyarova Akhmaral**
PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE CONCEPT OF NOOSPHERIC DEVELOPMENT IN THE ECOLOGICAL AND GLOBAL SECURITY SYSTEM ........ 232-239

## 10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

**Tilovov Ozod, Isoqulova Gulxon**
FRAZEOLOGIK BIRLIKLARDA SONLARNING QO'LLANILISHI VA ULARNING RAMZIY MA'NOLARI ........ 240-245

**Surmilova Elena**
GENDER STUDIES IN LINGUISTICS AND THEIR APPLICATION IN ENGLISH LANGUAGE TEACHING ........ 246-252

**Олимова Дилафрузхон Бахтиёржон қизи**
ТИЛШУНОСЛИКДА БАҲО КАТЕГОРИЯСИ ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ........ 253-257

**Djurayev Dilshod Mamadiyarovich, Radjabova Madinabonu Raimovna**
XITOY TILI GRAMMATIKASIDAGI "NATIJA TO'LIQLOVCHISI (结果补语)" ........ 258-262

**Azzamov Yusufjon Radjaboy o'g'li, Jo'rayeva Xayriniso Shavkat qizi**
EKOJURNALISTIKANING QO'LLANILISH KATEGORIYALARI ........ 263-268

**Fillipova Olga Igorevna**
CONVERGENCE OF STYLISTIC DEVICES AS A CATEGORY OF REDUNDANCY........ 269-278

**Ismoilova Dilorom Rustamjon kizi**
LEXICAL UNITS OF THE SEMANTIC FIELD "MURDER" ........ 279-285

## 12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

**Ильясов Баходир Ильясович**
ELEKTRON DAVLAT XIZMATLARINI KO'RSATISHNING TASHKILIY-HUQUQIY MEXANIZMI VA UNING RIVOJLANISH YO'LLARI ........ 286-293

**Чориева Хуршидабону Хуррам қизи**
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ИШТИРОКИ ........ 294-299

**Хаётов Анвар Хусанович**
ХАЛҚАРО ОЛИМПИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ МУХТОР МАҚОМИ ВА ТУРЛИ ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ ........ 300-307

## 13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

**Журабекова Хабиба Мадаминовна**
РЕЧЕВАЯ АКТИВНОСТЬ КАК ВАЖЫЙ ФАКТОР КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ........ 308-315

**Tursunova Aziza Xoshimovna**
WEB TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA BILIMNI NAZORAT QILUVCHI DIDAKTIK VOSITALAR YARATISH USULLARI ............ 316-321

**Oblanazarov Faxriddin Asadovich**
FUTBOLCHILARNI TAYYORLASHDA TA'LIM VA MASHG'ULOTNING ASOSIY QONUN-QOIDALARINI AMALGA OSHIRISH ............ 322-329

**Isroilova Dildora Muxtarovna, Solijonova Dildora Ulugbekovna**
IJTIMOIY-SIYOSIY MATNLAR TARJIMASINI O'QITISHDA LINGVOMADANIY OMILLARNING O'RNI ............ 330-335

**Satvoldiyev Faxriddin Akbarali o'g'li**
MAKTAB O'QUVCHILARI HUQUQIY TA'LIM – TARBIYASINI SHAKLLANTIRISH BORASIDA OLIB BORILGAN TAJRIBA SINOV ISHLARI NATIJALARINING PEDAGOGIK TAHLILI ....... 336-342

**Jurayev Bobomurod Tojiyevich**
SHARQDA PEDAGOGIK FAOLIYATNING MAYDONGA KELISHI VA RIVOJLANISHI ............ 343-350

SCIENCE PROBLEMS.UZ

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. -№ S/2 (3)-2023.
ISSN: 2181-1342 (Online)
https://scienceproblems.uz

*08.00.00 – Иқтисодиёт фанлари*

**Насруллоев Ҳаётжон Хабибуллоевич**
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил тадқиқотчиси, PhD

# СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ СОЛИҚ БАЗАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада иқтисодиётда рақамламлаштириш орқали корхоналарда молиявий барқарорликни таъминлашнинг назарий асослари, ҳозирги кундаги ҳолати ва бошқарувда жорий этишнинг хориж тажрибаси чуқур таҳлил қилиб ўрганилган. Молиявий барқарорликни оширишда рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятлари ва унинг афзалликлари илмий жаҳатдан тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** рақамли иқтисодиёт, ахборот технологияси, ахборотлаштириш ва рақамлаштириш жараёни, телекоммуникация тармоқлари, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши, миллий рақамли иқтисодий хавфсизлик, АКТ дастурий воситалар.

---

**Насруллоев Хаётжон Хабибуллоевич**
Ташкентский государственный экономический
университет,независимый исследователь, PhD

# ПУТИ РАСШИРЕНИЯ НАЛОГОВОЙ БАЗЫ ЗА СЧЕТ ВНЕДРЕНИЯ СОВРЕМЕННЫХ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В НАЛОГОВОЕ АДМИНИСТРИРОВАНИЕ

**Аннотация.** В статье углубленно изучены теоретические основы обеспечения финансовой устойчивости предприятий за счет цифровизации экономики, современная ситуация и зарубежный опыт внедрения в управление. С научной точки зрения изучены возможности использования цифровых технологий и их преимущества в повышении финансовой устойчивости.

**Ключевые слова**: цифровая экономика, информационные технологии, процесс информатизации и цифровизации, телекоммуникационные сети, развитие цифровой экономики, цифровая экономическая безопасность страны, программные средства ИКТ.

---

**Nasrulloev Khayotjon Khabibulloevich**
Tashkent State University of Economics
independent researcher, PhD

# WAYS TO EXPAND THE TAX BASE THROUGH THE INTRODUCTION OF MODERN INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN TAX ADMINISTRATION

**Annotation.** The article provides an in-depth study of the theoretical foundations for ensuring the financial sustainability of enterprises through the digitalization of the economy, the current situation and foreign experience of implementation in management. From a scientific point of view, the possibilities of using digital technologies and their advantages in increasing financial stability have been studied.

**Keywords:** digital economy, information technology, the process of informatization and digitalization, telecommunication networks, development of the digital economy, digital economic security of the country, ICT software.

**DOI:** https://doi.org/10.47390/B1342V3SI2Y2023N11

**Кириш**

Жаҳон амалиётидан кўриниб турибдики, солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш асосида қонунчиликка риоя этиш ва маъмурий харажатларни камайтириш, кўпроқ даромадларни самаралироқ йиғиш, шаффофлик ва солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш ҳамда катта маълумотлар оқимини мослаштиришни таъминлайди. Бугунги кунда солиқ маъмуриятчилиги доирасида солиқлар тузилмасини оптималлаштириш, уларни ундириш, солиқ ҳисоби ва ҳисоботини юритиш механизмини такомиллаштириш, солиқ тўғри ҳисобланиши, ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши, солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилигида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларига риоя этилишини назорат қилиш, солиқ тушумларини турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлаш, натижаларни йиғиш ва таҳлил қилиш, солиққа тортиш жараёнининг барча иштирокчиларининг солиқ муносабатларини уйғунлаштириш бўйича кенг чора-тадбирлар амалга ошириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**Тадқиқот методологияси**

Мазкур мақолада корхона молиявий барқарорлигини таъминлашда рақамли технологиялардан фойдаланиш ва бу орқали бошқарув фаолияти самарадорлигини янада ошириш, сўнгги йилларда амалга оширилаётган ишлар, бу борада хориж тажрибаси атрофлича таҳлил қилинган. Таҳлил жараёнида илмий абстракциялаш, эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция, таққослаш, тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Жон Майнард Кейнес назариясига кўра давлат ушбу вазиятда иқтисодиётни депрессиядан олиб чиқиши учун йирик корхоналарга буюртмачи бўлиши лозим, шунда ушбу корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми ошади ва улар кўпроқ одамларни ишга олишади, натижада ишчиларнинг ҳам харид қобилияти ошади. Бу орқали давлат иқтисодиётни депрессиядан чиқишига эришади. Бу эса яширин иқтисодиётга ўтиш учун мотивларни камайтиради. айланишига имкон беради, шунингдек, Mehrotra, A., ва Yetman, J.[1] тадқиқотларига кўра, Марказий банклар нархлар даражасини барқарорлаштириши мумкин бўлган механизмни осонлаштиради. Инклюзивлик юқори даражадаги истеъмолни юмшатиш имконини берганлиги сабабли, уй хўжаликлари жамғарма ва кредитлар даражасини мослаштириш орқали фоиз ставкаларининг ўзгаришига мослашиш имкониятига эга бўладилар. Юқори молиявий инклюзия уй хўжаликларини ўз жамғармаларини депозитларга айлантиришга ундаши мумкин. Хон H.R[2] ва Tombini, A[3]

Молиявий инклюзивлик ортиб бориши билан пул захиралари муомаладаги валютадан банк тизимидаги фоизли депозитларга айлана бошлайди. Бу иқтисодий

фаолиятнинг катта қисмини фоиз ставкалари назорати остида бўлишига имкон беради. Xon H.R[4] норасмий сектор қанчалик катта бўлса, пул- кредит сиёсатини амалга ошириш ва назорат қилиш шунчалик қийин бўлади, чунки кўпроқ уй хўжаликлари ва кичик бизнес эгаларининг қарорлари марказий банкларнинг пул-кредит сиёсатини ҳисобга олмаган ҳолда мустақил бўлади. Бундан ташқари, молиявий инклюзия одамларни пул иқтисодидан банк иқтисодиётига ўтишга ундайди, шунинг учун уларнинг молиявий операцияларини кузатиш мумкин.

Mehrotra, A. ва Yetman, J [5] аниқлик киритишича, расмий молиявий тизимга кўпроқ агентлар киритилганда ишлаб чиқариш ўзгарувчанлиги инфляция ўзгарувчанлигига нисбатан ошади, чунки молиявий агентлар ўзларининг инвестиция ва жамғарма қарорларини яхшироқ ўзгартиришга қодир бўладилар. Шу сабабли, молиявий инклюзивлик ошгани сайин, марказий банклар нархларни барқарорлаштириш ва шу тариқа молиявий барқарорликни оширишга эътибор қаратишлари мумкин бўлади. Баъзи мамлакатларда марказий банклар инфляция мақсадларини аниқлаш учун асосий нарх индексига эътибор беришади, аммо бу нарх индексини танлаш баъзида нотўғри бўлиши мумкин.

Mbutor, MO, & Uba, IA[6] М.А.Ходунова ишида молиявий барқарорликни таъминлаш учун молия бозорини қуриш ва фаолият юритиш тамойиллари ҳамда янги воситалар, технологиялар ва миллий молия бозорини бошқариш механизмлари таклиф этилади [7].

М.С.Марамгин, Г.В.Чернова ва Л.Дж.Решетникова ўз ишларида молия сек- торини рақамлаштиришнинг зарур шартларини кўриб чиқдилар, миллий ва глобал даражадаги рақамли молиявий хизматлар кўламининг қиё- сий таҳлилини тақдим этдилар, шу билан бирга, молия саноатининг рақамли трансформатцияси хавфларини аниқладилар [8].

Т.А.Обушчак корхонанинг молиявий ҳолатини корхоналарнинг маълум бир даврдаги муҳим хусусиятли фаолияти сифатида белгилайди, бу корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини молиялаштиришнинг етарли даражасини таъминлашнинг реал ва потенциал қобилиятини ва уларни самарали амалга ошириш қобилиятини белгилайди [9].

С.З.Мошенский ва О.В.Олийли молиявий барқарорликнинг моҳиятини ҳисобга олган ҳолда, унинг ўз ва қарз манбалари ўртасидаги молиявий мувозанат шартларига мос келишининг асосий шартини белгилайди [10].

**Таҳлил ва натижалар**

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан электрон хизматлар, шу жумладан мобил иловалар жорий этилган. Солиқ тўловчилар билан имкон қадар ахборот-коммуникация технологиялари орқали мулоқот қилишни йўлга қўйиш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари томонидан кўрсатилаётган электрон давлат хизматларнинг сони 45 тага етказилди. Мазкур хизматлар Давлат солиқ қўмитасининг “Электрон давлат хизматлари - my.soliq.uz” портали орқали кўрсатилмоқда. Шу билан бирга, порталдаги солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали солиқ қонунчиликда кўзда тутилган 12 турдаги электрон ҳужжатлар ҳамда 27 турдаги ҳисоботлар юборилмоқда.

2021 йил бошидан бир қатор электрон давлат хизмати йўлга қўйилди. Жумладан, “Кўчмас мулк ижара шартномаларини электрон тарзда ҳисобга қўйиш ва тўлов хабарномасини шахсий кабинетга юбориш” электрон хизматини йўлга қўйиш натижасида жорий йилнинг 11 ой давомида 903,3 мингта шартномалар электрон тарзда ҳисобга қўйилган. Бу қаторда “Шахсий кабинет орқали электрон ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш” электрон хизмати жорий этилган ва жорий йил бошидан ўтган давр давомида 731,5 мингта ҳисобварақ-фактуралар электрон кўринишда расмийлаштирилган. Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) да 16 та электрон давлат хизматлари йўлга қўйилди.

my.soliq.uz порталига жами 1,9 млн.та фойдаланувчилар томонидан 105,6 млн. маротаба мурожаатлар бўлган. Яъни, мурожаатлар сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 22,3 фоизга ошди. Шунингдек, энг кўп фойдаланилаётган хизматларга бўлаётган мурожаатлар жами мурожаатларга нисбатан қуйидагича:

– Электрон солиқ ҳисоботларни юбориш 39,7 млн маротаба (40%);

– Шахсий карточкадан кўчирмалар олиш ва солиштирма далолатномани тақдим этиш 21,1 млн маротаба маротаба (22,2%);

– Электрон тўловларни қабул қилиш 24,5 млн маротаба (19,8%);

– Солиқ тўловчиларни ҳисобга қўйиш 20,1 млн маротаба (17,3%).

Жорий йилнинг 11 ой давомида шахсий кабинетлар орқали тадбиркорлик субъектлари томонидан 1,9 трлн.сўм солиқлар электрон шаклда тўланди. Мазкур тўловлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 157,9 млрд.сўмга ошди.

Ҳудди шундай, PAYME, CLICK, U-PAY ҳамда MUNIS электрон тўлов тизимлари орқали жисмоний шахслар томонидан 9,7 трлн.сўмдан ортиқ солиқлар электрон шаклда тўланди. Мазкур тўловлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,8 трлн.сўмга ошган. Солиқ тўловчининг шахсий кабинети солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган ўзаро муносабатларни электрон тарзда амалга оширишни таъминлайдиган ахборот ресурси ҳисобланиши белгиланган.

Қонунчиликда кўзда тутилгандек, солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган ўзаро муносабатларни электрон тарзда амалга оширишга ўтиш солиқ тўловчининг хохишига кўра, унинг аризаси асосида амалга оширилади. Акс ҳолда, солиқ тўловчи ва давлат солиқ хизмати органи ўртасидаги ўзаро муносабатлар солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

“Солиқ инспекторининг автоматлаштирилган иш жойи (армни-4)"дастурий маҳсулоти 2021 йил 1 январ ҳолатига кўра дастурий маҳсулот ёрдамида 586,8 минг юридик шахс учун бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил олиб борилмоқда, уларнинг сони ўтган йилнинг тегишли санасига нисбатан 25,6 мингга ёки 4,9 фоизга ошди. 2020 йил учун бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга даромадлар ўсиши билан 4,9 трлн. сўм (113,1%) 2019 йилга нисбатан йиғиш даражаси 97,3% га етди ёки тегишли равишда 0,5% га ошди.

"Жисмоний шахслар ҳисоби ва уларнинг солиқ мажбуриятлари" дастурий маҳсулоти орқали мол-мулк солиғи ва ер солиғини ҳисоблаш учун ҳар йили 2-3 ой керак бўларди. Баланс суммаларини ҳисоблаш ва ҳисоботларни тузиш учун 1-1, 5 ой вақт кетарди.Энди булар учун сарфланадиган вақт фақат 3-4 иш соатларини ташкил этади холос. Дастурий таъминот пакетини жорий этишнинг умумий иқтисодий самараси 675,5 млн. йилига сўмни ташкил этди. 2021 йил 1 январ ҳолатига кўра мулк солиғи ва ер солиғи тўловчилари - рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар сони 5469,1 мингтани ташкил этди. Шу билан бирга, 2020 йил учун мол-мулк солиғи тушумлари 336,6 млрд. сўм, ер солиғи-343,2 млрд. сўм, яъни 2019 йилга нисбатан тегишли тарзда 57,8 млрд сўм бўлиб, (120,7%) ва 76,1 млрд. сўм (128,5%) кўп демакдир.

"Бозорлар ва савдо мажмуаларига хизмат кўрсатганлик учун бир марталик йиғимлар, ижара ҳақи ва йиғимларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш" дастурий маҳсулоти. Дастурий маҳсулотнинг жорий этилиши бозорлар ва савдо мажмуаларидаги тушумларни реал вақт режимида манбалар нуқтаи назаридан ҳар куни қайд этиш ва назорат қилиш имконини берди. 2020 йилда бозорлар ва савдо мажмуаларининг даромадларини оширишга доир комплекс чора-тадбирлар натижасида маҳаллий бюджетларга 178,5 млрд сўмлик тўловлар прогнози 183,6 млрд. сўмга бажарилди ёки 102,9%. 2019 йил (147,8 млрд сўм) га нисбатан даромадлар 35,7 млрд. сўмга ёки 1,2 марта ошди. 2021йил 1 январ ҳолатига кўра бозорлар ва савдо мажмуаларида 150 та вақтинча автомобилларни сақлаш жойлари ишламоқди, уларнинг даромади 0,5 миллиардга ошиб ўтган йилнинг тегишли санасига нисбатан сўм 11,3 млрд. сўмни ташкил этди.

“Камерал назорат” дастурий маҳсулоти камерал назорати солиқ органларининг энг муҳим фаолиятидан биридир. Солиқ ҳисоботларини қайта ишлаш ва таҳлил қилиш жараёнини автоматлаштириш камерал назорати самарадорлигини сезиларли даражада оширишга ёрдам беради. Хусусан, 2020 йил учун камерал назорати жараёнида 124,7 минг тадбиркорлик субъектида солиқ ва молиявий ҳисоботларни тўлдиришда қоидабузарликлар (хатолар) аниқланди, бу 2019 йилга нисбатан 40,5 мингтага кўп демакдир. Юқоридагилардан келиб чиқиб,Солиқ маъмурчилигининг самарадорлигини таъминлашда юридик шахслар бўйича замонавий технологиялардан файдаланиш таҳлил қилинди.

***1.-жадвал.***

**Солиқ маъмурчилигининг самарадорлигини таъминлашда юридик шахслар бўйича замонавий технологиялардан таҳлили**[1]

| Дастур номи | 2017 йил Фойдала-ниш сони | 2018 йил Фойдала-ниш сони | 2019 йил Фойдала-ниш сони | 2020 йил Фойдала-ниш сони | 2021 йил Фойдала-ниш сони | 2022 йил Фойдала-ниш сони |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Мажбурий аудиторлик | 10 939 | 8 155 | 7 399 | 5 824 | 7 862 | 134 |
| Ихтиёрий тугатилаётган корхоналарни тугатилишини назорат килиш (ПҚ-630) | 2 792 | 1 827 | 1 083 | 1 639 | 2 054 | 228 |
| Камерал назорат | 24 397 | 16 910 | 10 320 | 5 982 | 4 568 | 434 |
| Давлат божи | 2 786 | 1 709 | 865 | 449 | 384 | 34 |
| Электрон тижорат реестри | | | | 220 | 248 | 13 |
| ИНПС дастури | 5 511 | 3 606 | 1 811 | 1 223 | 1 223 | 147 |
| Йирик солиқ тўловчилар | 4 636 | 3 636 | 3 633 | 2 372 | 1 607 | 121 |
| Солик текширувлари | 781 667 | 519 257 | 507 275 | 541 580 | 1 100 907 | 69 040 |
| Солиқ тўловчиларнинг банк ҳисоб рақамлари тўғрисидаги маълумотларини аниқлаш тизими | 287 774 | 327 313 | 437 581 | 373 760 | 496 957 | 46 050 |
| Кичик бизнес субъектлари | 12 162 | 7 618 | 2 779 | 1 618 | 1 080 | 82 |
| Юридик шахслар статистикаси | 21 064 | 19 239 | 17 628 | 14 934 | 12 142 | 797 |
| ҚҚС тўловчилари | 8 526 | 9 802 | 8 678 | 5 121 | 3 922 | 312 |
| Бозорлар назорати | 12 292 | 12 079 | 1 638 | 644 | 752 | 20 |
| Ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини олиш тўғрисида | 974 | 694 | 266 | 226 | 238 | 4 |
| АРМНИ (юр. лиц) | 5 289 773 | 5 695 063 | 8 347 349 | 9 354 065 | 7 904 683 | 593 343 |
| Тахлика тахлил | 190 989 | 205 869 | 172 296 | 84 170 | 49 830 | 3 094 |
| Резидентлик сертификатини бериш дастурий маҳсули | 1 135 | 802 | 501 | 260 | 191 | 15 |
| Автокамерал | 3 245 | 72 983 | 42 262 | 6 387 | 4 209 | 1 332 |
| Ер солиғи ставкалари | | | 124 | 1 012 | 1 628 | 67 |
| Макропоказатели НДС | | | | | 51 | 105 |
| Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш | 3 312 | 3 130 | 867 | 836 | 1 282 | 56 |

Мазкур 1-жадвалда кўринадики, банк ҳисоб рақамлари тўғрисидаги маълумотларини аниқлаш тизимидан фойдаланувчилар 2017 йилда 287774 тани, 2018 йилда 327313 тани, 2019 йилда 437581 тани, 2020 йилда 373760 тани, 2021 йилда 496957 тани, 2022 йилда 46050 тани ташкил этган. Таҳлика таҳлил замонавий технологиялардан файдаланиш эса 2017 йилда 190989 тани, 2018 йилда 205869 тани, 2019 йилда 172296 тани, 2020 йилда 84170 тани, 2021 йилда 49830 тани, 2022 йил 3094 тани ташкил этган. Камерал назорат файдаланиш эса 2017 йилда 24397 тани, 2018 йилда 16910 тани, 2019 йилда 10320 5 тани, 2020 йилда 982 тани, 2021 йилда 4568 тани, 2022 йилда 434 тани ташкил этди. Камерал назорати натижаларига кўра, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли фондларга 1,119,0 миллиард сўм, ёки 2019 йилга нисбатан 380,0 млрд сўм кўп маблағ йиғилди.

[1] ДСҚ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Камерал назорати аудит жадвалига киритиладиган ташкилотларни аниқлашда ажралмас восита бўлиб, бу солиқ ходимларининг вақтини бюджет олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажарадиган виждонли солиқ тўловчиларга сарфламасликка имкон беради. "Солиқ текширувларини ҳисобга олиш"автоматлаштирилган ахборот тизимининг мақсади 2020 йилда ўтказилган текширишлар самарадорлиги 98,6 фоизни, бюджетга қўшимча ҳисобланган, йиғилган солиқлар ва мажбурий тўловлар миқдори эса 708,4 млрд.сўм бўлиб тегишли тарзда 0,7% ва 5,1% ни ҳамда тегишли тарзда 2019 йилга нисбатан кўп маблағни ташкил этган.

Текширишлар бўйича электрон ҳисоботга ўтиш туфайли йил давомида ўртача 35,9 млн. сўм қоғоз тежалишига эришилди, шунингдек 15,1 млн. сўм миқдорида сафар харажатлари ҳам тежаб қолинди. Иш вақтидаги тежаш йилига 28 658,5 инсон/соатни ташкил этди.

**Хулоса ва таклифлар**

Электрон тижорат платформалари — “Маркетплейс” ларнинг ахборот тизимлари ёрдамида масофадан туриб амалга оширилган савдо ва пуллик хизматлар бўйича транзакцияларнинг электрон чекларида солиқ органлари ахборотлар тизимларига интеграциялашган ва автоматик тарзда шаклланувчи фискал белгиларни мажбурий акс эттириш талабини ўрнатиш механизмини жорий қилиш.

Солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш ва солиқ тўловчилар фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида бирламчи бухгалтерия ҳужжатларида маҳсулотларнинг (товар ва хизматларнинг) унификациялашган номларидан фойдаланиш, шу жумладан, товарларнинг штрих кодларини маҳсулотларнинг унификациялашган номларига босқичма-босқич автоматик равишда боғлаш имконини бериш.

## Адабиётлар/Литература/References:


1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси- Тош: Ғ.Ғулом 2020.- 640 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари. www.soliq.uz.
3. Ҳ.Х. Насруллоевнинг “Солиқ маъмурчилигига замонавий ахборот-коммуникатсия технологияларини жорий этиш орқали солиқ базасини кенгайтириш истиқболлари” 2022 йилда ёзилган диссертатсияси маълумотлари.
4. Mehrotra, A., & Yetman, J. (2014). Financial Inclusion and Optimal Monetary Policy, (Working paper No. 476). BIS. Retrieved from https://www.bis.org/publ/work476.pdf
5. Khan, H. R. (2011, November 4). Financial Inclusion and Financial Stability: Are They Two Sides of the Same Coin? Lecture presented at BANCON 2011. Retrievedfrom https://www.bis.org/review/r111229f.pdf
6. Tombini, A (2012): "Opening remarks", IV Fórum Banco Central sobre Inclusão Financeira, Porto Alegre, 29 October. Khan, H. R. (2011, November 4). Financial Inclusion and Financial Stability: Are They Two Sides of the Same Coin? Lecture presented at BANCON 2011. Retrieved from https://www.bis.org/review/r111229f.pdf

7. Mehrotra, A., & Yetman, J. (2014). Financial Inclusion and Optimal Monetary Policy, (Working paper No. 476). BIS. Retrieved from https://www.bis.org/publ/work476.pdf
8. Mbutor, M. O., & Uba, I. A. (2013). The impact of financial inclusion on monetary policy in Nigeria. Journal of Economics and International Finance,5(8), 318-326. doi: https://doi.org/10.5897/JEIF2013.0541
9. Chemchykalenko, R.A. Majboroda, O.V. and Lyn'ova, A.S. (2019), "Features of evaluation and analysis of financial stability of the enterprise", Infrastruktura rynku, vol. 32, pp. 379-385.
10. Heba Soffar Published November 19, 2018./ https://www.online-sciences.com/technology/digital-business-transformation- digital-technology-benefits-uses/
11. Kostyrko, L. A. (2015), "Analysis of financial potential in the enterprise value management system", Visnyk Skhidnoukrains'koho natsional'noho universytetu im. V. Dalia, vol. 4(221), pp. 122-130.
12. Khodunova M.A., Bulletin of the St. Petersburg State University of Economics, 5-2 (119), 114 (2019).
13. Obuschak, T.A. (2009), "The essence of the financial condition of the enterprise", Aktual'ni problemy ekonomiky, vol. 9, pp. 92-100.
14. Semenov, A.H. (2019), "Formation of a strategy for ensuring the financial stability of an industrial enterprise", Derzhava ta rehiony. Seriia: Ekonomika ta pidpryiemnytstvo, vol. 4 (109), pp. 119-125.

**ISSN:** 2181-1342 (Online)

**Сайт:** https://scienceproblems.uz

**DOI:** 10.47390/B1342V3SI2Y2023

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

## № S/2 (3) – 2023

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

Специальный выпуск

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Special Issue

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари"** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: "SCIENCEPROBLEMS TEAM" масъулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).